

ЯНГИ РЕНЕССАНС ЁШЛАРИНИНГ ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Очилова Нигора Рузимуратовна
Қарши мұхандислик иқтисодиёт институти
Ижтимоий фанлар кафедраси доценти

АННОТАЦИЯ

Хозирги оммавиј коммуникация технологияларининг шиддат билан ривожланиб, интернет тармоқларидағи хизматлардан фойдаланувчилар орасыда ёшларнинг тобора ортиб бориши, бу борада ҳар бири мизни янада ҳүшёрроқ ва огох бўлиши мизни талаб этмоқда. Ҳар бир нарсани ижсобий ва салбий томони бўлганидек, ижтимоий тармоқлар ҳам яхшиликка ёки ёмонликка хизмат қилиши мумкин. Бизнинг вазифамиз уни эзгу йўлда хизмат қилдириши чораларини кўриши, унинг заарларидан чеклашга ҳаракат қилиши дир.

Калим сўзлар: Янги Ренесанс, ахборот-психологик вазият, ахборот хавфсизлиги, толерантлик маданияти, миллий ва умуминсоний қадриялар, жаҳон медиа майдони

АННОТАЦИЯ

Стремительное развитие современных технологий массовой коммуникации и увеличение числа молодых людей среди пользователей услуг Интернета требуют от каждого из нас большей бдительности и осознанности. Как и во всем есть свои плюсы и минусы, социальные сети могут быть хорошими или плохими. Наша задача – принять меры, чтобы служить ему во благо, попытаться ограничить его вред.

Ключевые слова: Новое возрождение, информационно-психологическая ситуация, информационная безопасность, культура толерантности, национальные и общечеловеческие ценности, мировое медиапространство.

ABSTRACT

The rapid development of modern mass communication technologies and the increase in the number of young people among Internet users require each of us to be more vigilant and aware. Like everything there are pros and cons, social media can be good or bad. Our task is to take measures to serve him for good, to try to limit his harm.

Key words: New revival, information and psychological situation, information security, culture of tolerance, national and universal values, global media space.

КИРИШ

Бугунги глобаллашиб бораётган дунёда мураккаб ахборот-психологик вазият юзага келмоқда. Шу маънода халқимиз ҳам мисли кўрилмаган даражада ахборот босими қучайган шароитга дуч келиб турибди. Бу шароитда инсон ўзлигини саклаб қолишнинг имконияти борми, бунга қандай эришиш мумкин деган саволлар ҳар бир кишини ҳам ўйга толдириши табиий. Ахборотлашган жамият бугунги тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади, ҳамда замонавий тараққиётни, у яратиб бераётган имкониятларсиз эса турмушимизни тасаввур этиш мушкул. Танганинг икки томони бор деганлариdek, ахборот хавфсизлиги ҳам бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этиши, улардаги қизиқувчанлик, бекарорлик ва бошқа психологик хусусиятлари масалага ўта жиддий қарашни тақазо этади. Биринчидан, ёшлар кичик ёшдан бошлаб ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда катталарга қараганда осон ўзлаштиради. Иккинчидан, уюшмаган ёшлар ўртасида ижтимоий муаммолар, хусусан, ишсизликнинг мавжудлиги уларни виртуал хатарларга осонроқ берилишига сабаб бўлади.

Ахборотлашган жамиятга ўтиш жараёнини социология тадқиқотчилари далиллашга ҳаракат қилишган. Олий таълим ўкув юртида ўтган асрнинг 70 йилларигача таҳсил олган ёшлар фан асосларини атрофлича чуқурроқ эгаллаш учун фан ўқитувчисининг қўлёзма-манбасидан, иккинчи босқичда 2001 йилгача таъминот яхшиланиши туфайли китобдан фойдалангандилар. Бизнинг давр талабалари 2015 йилгача китоб ва бошқа маълумотларни электрон шаклини флешка қурилмасига кўчириб олган, 2016 йилдан кейинги даврда эса талабалар орасида фан ўқитувчиларидан фанга тегишли бўлган адабиёт олиш эҳтиёжи амалда тутатилди. Бу ҳол олий таълим талабалари фанни ўзлаштиришда адабиётларга бўлган эҳтиёжини қандай қондирмоқда?- деган саволни кун тартибига кўяди.

Биз Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти мисолида олий ўкув юртларининг талабалари орасида китобхонлик билан боғлиқ маърифий тадқиқотларимизда талабалар орасида китобхонлик одобини санъат даражасида шакллантиришнинг янги моделини аниqlашга эришдик. Глоблашаётган дунёда ёшлар ўз эҳтиёжларини смартфон қурилмаси орқали интернетдан қондирини олдинимиздаги масалани онлайн даражасга олиб чиқиш кераклигини кўрсатмоқда. Бунда фан йўналишга тегишли фанлар ёки улар орасидан бир

фаннинг ижтимоий тармоқда ([Telegram: https://t.me/milliy_goya](https://t.me/milliy_goya)) онлайн фан каналини ташкил қилиш орқали ёшларни китобхонликка жалб этиш мумкин.

Бизнинг ўтказган социологик тажрибамизда топшириқни бажарувчи ўкувчи-талабани фан каналига аъзолиги, топшириқларни бажариш учун фан каналдаги манбалардан фойдаланиши ва мурожаати қулайлиги талабани фанга нисбатан мойилигини янада оширди. Бу масофавий таълим шакли китобхонликка ёшларни жалб этиш новацияси ҳисобланади.

МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Республикамиз ёшларини ижтимоий турмуш тарзи ва маънавияти ҳолатини социологик таҳлил ва талқинлари ёшларни қундалик ҳаётида вақт бюджетининг салмоғида мусиқа асосий ўринни эгалаётганлигини гувоҳи бўлдик. Биз бу борада ёшларнинг бадиий китобхонлик одобини ижобий йўлга солиш учун жаҳон ва миллий мумтоз адабиётининг энг яхши намуналаридан ижтимоий тармоқ ва интернет сайтларига матнли, овозли-аудио китоб, сахналаштирилган овозли-аудио театрларни жойлаштириш, уларни тарғиб қилиш орқали кенг китобхонлар аудиториясини сақлаб қолиш мумкин деган хуносага келдик.

Социологлар фикрича, “Telegram” ижтимоий тармоғида аудио-эртаклар (<https://t.me/bolalikkunlarimda>), аудио-китоблар (<https://t.me/mtrkaudiokitoblar>) ва аудио-театрлар (<https://t.me/audioteatrlar>) каналини ташкили билан далиллаймиз. Тажриба китоб мутолаа қилиш орқали ёшларда соғлом эътиқод, руҳий тетиклик, маънавий баркамоллик каби фазилатларни шаклланиши, энг муҳими фойдали иш билан банд бўлиши турли хил девиант ҳолатларидан асраши билан халқ таълимининг ижтимоий таъсирини янада шакллантиради. Китобхонлик инсонга сабр-тоқатлилик, чидамлилик, бағрикенглик, каби фазилатларни тарбиялаб болада яқинларига меҳрибон ўғил ва қиз, оққўнгил, дўст, меҳнатсевер фарзанд бўлиш каби феъл-атворида ахлоқий характерни мустаҳкамлайди¹

Ёшларда толерантлик маданиятини китобхонлик орқали ривожлантириш хусусида социологик тажриба ўтказилиб, ёшларга 500 бетлик китоб мутолаасидан аудио театрли асарни 1 соат тинглаш: ундаги ғояни тўла англаб этиш, ҳар бир қаҳрамонни эслаб қолиш, театрнинг сюжетини замон, макон, фасл, техника, жонзор, предметлар эмоциясида маънан дунёқарашга таъсири тасдиқланди.

Айниқса, мустақилликка эришгач Ўзбекистон ўзининг улкан имкониятларини ишга солиб, энг янги инновацион ва информацион

¹ X.. Мирзахмедов. Ёшларнинг китобхонликка жалб этишда инновацион ёндашувлар. // Kutibxona.uz, 2019 йил №4 (44). – Б.42-44.

технологияларга асосланган илғор ижтимоий тузилмаларни бунёд этиш орқали ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини қуришга киришди. Фалсафа ва фанда проектив тафаккур тарзининг инновациялашуви нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамdir. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганлариdek: «онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб ...биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди»².

Бунинг учун «одамларнинг қотиб қолган фикрлаш тарзини ўзгартириш, эскича усулидан ҳоли қилиш ғоят муҳимдир»³.

Бу вазифани бажариш ўз навбатида ҳозирги замон тафаккури хисобланган инновацион тафаккурни шакллантириш ва мутахассислар онгига сингдириш имкониятини беради. Фуқаролик жамиятини барпо этишда эскича догматик тафаккур тарзидан воз кечиб янги, яъни инновацион тафаккур тарзини шакллантириш долзарб масалага айланиб бормоқда⁴.

Ёшларни сўнгги йилларда тобора илдиз отиб бораётган терроризим ва диний экстремизмдан ҳимоя қилиш, бундай таҳдидларга куч ишлатиш йўли билан қарши курашиш эмас, балки ёт ғоялар гирдобига тушиб бораётган ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат, маънавият асосида шакилантириш, миллий урф-одатлар, диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш орқали, яъни жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш каби масалалар баён қилинган. “Сайёрамизнинг эртанги қуни, фаровонлиги деган эди,- Ш. Мирзиёев,- “Фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга этиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиш учун зарур шароитлар яратиш, зўровонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир”, — деган эди.

Қайд этиш керак, бугунги кунда дунё ахолисининг қарийб ярми – яъни 3 млрд.га яқин киши турли ижтимоий тармоқлардан фойдаланмоқда. Шулардан энг катта қисми 2 млрд. одам “Facebook”да. <https://napoleoncat.com> сайти берган маълумотга кўра, Ўзбекистонда “Facebook” тармоғидан фойдаланувчилар 1 миллионга яқинлашиб қолган. Улар ўртача 25-34 ёшда бўлиб, 65,5 фоизини эркаклар, 34,5 фоизини хотин-қизларимиз ташкил этар экан. Айни пайтда дунёда 1 млрд.лик аудиторияга эга Instagram Ўзбекистонда 1.586.500 нафар фойдаланувчига эга. 2.476.590лик Facebook

² Каримов И.А Адолатли жамият сари.- Т.. 1998.- 17 б

³ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. «Ўзбекистон». 1999., 181 б.

⁴ <http://conferences.neasmo.org.ua/tu/art/1325>

эса мамлакатимизда 686.400 кишини бирлаштирган. 200 млн.лик Telegram – Ўзбекистонда 18 млн.кишига хизмат кўрсатмоқда.

Якка тартибдаги мулоқот чин маънода оммавий тус олди. Бошқача айтганда, машхур олим Э.Тоффлернинг ахборот асрида барча ишлаб чиқаришлар, жумладан ахборот воситалари ҳам оммалашувдан нооммалашув томон, яъни индивидуалашув томон юз тутади деган башорати бир қадар ўз исботини топмоқда.

Маълумки, сўнгги 50 йил ичida ахборот технологиялари соҳасида улкан инновацион кашфиётлар яратилди. Технологик кашфиётлар ахборотни узатиш ва қайта ишлаш харажатларини кескин пасайтириди. Шу билан бирга, ахборотнинг тезкорлиги ва ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада кўтарилиди. Ушбу тенденция жуда тез суръатларда ривожланди. Бундан ташқари, ушбу соҳадаги ютуқлар глобаллашув жараёнини ривожлантириб, одамларни муайян тармоқлар ичida бирлашишига, яъни тармоқ жамиятлари, тармоқлашган маълумотлар базаларини юзага келтирди⁵.

Шу нуқтаи назардан ҳам бугунги кунда ёшларнинг инновацион салоҳиятини оширишда жамоавий мулоқотлар ташкил этиш ва бунинг учун замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш долзарб аҳамият қасб этмоқда. Масаланинг мухим жиҳати шундаки, конференциялар ташкил этиш, муайян жойларни ижарага олиш ёки ихтисослашган ташкилотлар фаолияти орқали ҳамкорларнинг “жисмоний” бирлашишига эришиш ҳамда инновация соҳасида сиёсий лидерларни қўпайтириш инновацион мухитнинг ривожланишига олиб келади.⁶

Одатда, катта ютуқларни башорат қилувчи режалар янги технологиялар ёки бошқа турдаги инновацияларни жорий қилиш бўйича стратегиянинг нотўғри тузилиши кўпинча кутилган натижаларни бермайди ва умидсизликни юзага келтиради. Бундай мазмундаги стратегияларни такомиллаштириш учун Канадада маҳсус инновацион маҳсулот PSI маркетинг коммуникацияси модели асосида Delphi шкаласининг ўлчаш ва сегментлаш асбобларини бирлаштириш орқали қарор қабул қилишни кўллаб-куватлаш тизимининг юмшоқ (Soft) шакли ишлаб чиқилган⁷.

Ушбу комбинацияга асосланган ёндашув олдиндан инноваторларни излаб топиш, муайян ғояларнинг олдинги ва кейинги издошлиарини аниқлаш ёки бирор-бир инновацияни қўллабкуватлаётган шахсларни топишга ёрдам беради.

⁵ Leijten, J. Innovation policy and international relations: directions for EU diplomacy. Eur J Futures Res (2019) 7: 4. <https://doi.org/10.1186/s40309-019-0156-1> page 3

⁶ Tamlik, M. Innovation policy is a team sport' – insights from non-governmental intermediaries in Canadian innovation ecosystem. Triple Helix (2018) 5: 8. <https://doi.org/10.1186/s40604-018-0062-8> page 16

⁷ http://yok.academy.uz/storage/web/source/1/4wYDB4pM12SIPdWOoOAdM7_b-Is0EogM.pdf

Демак, бундай сегментация танишув ва коммуникация стратегияларини ривожлантириш имконини ва ўз ўрнида, мувафаққият билан инновациялар учун харидорлар топишга ёрдам беради.⁸

Инновацион фанлар доирасида ишлаб чиқилган ғоялар, тасаввурлар, илмий тафаккур тарзлар бошқа табиий-техник ва ижтимоий-гуманитар фанлар назариялари ва ғояларига концептуал ва методологик таъсир кўрсатишмоқда. Бундай ўзгаришлар жиддий фалсафий талқинга мухтоҷ бўлган муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу айниқса фан, маънавият ва иқтисодиётга таяниб, янги жамиятни куриш учун ниҳоятда зарурдир⁹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, инновациялар мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни такомиллаштириш, янги саноат ҳамда молиявий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш соҳаси фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот сифатини ошириш, унинг экспортболлигини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутар экан. Илғор хорижий тажриба, жаҳон илм-фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантириш ҳамда ушбу жараёнларга ёшларни кенг жалб қилиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹⁰ илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари хузурида илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари ва технопарклар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Хулоса ўрнида айтганда, амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар ёшларнинг мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлиб шаклланиши ҳамда Ватан туйгусини чукур англайдиган, иродаси мустаҳкам, юксак маънавиятли бўлиб камол топишларига хизмат қилиши билан аҳамиятли ва диққатга сазовордир. «Ўргимчак тўри» дея ном қозонган интернет эмас, инсониятни, хусусан, ёшларни китобхонликка жалб қилиш орқалигина юксак маънавиятга эришиш, комил инсонни тарбиялаш

⁸ Verleye, G. & De Marez, L. J. Diffusion of innovations: Successful adoption needs more effective softDSS driven targeting. Target Meas Anal Mark (2005) 13: 140. <https://doi.org/10.1057/palgrave.jt.5740139.page.50>

⁹ <http://reja.tdpu.uz/shaxsiyreja/views/openlesson/download.php?id=9879>

¹⁰ ПФ-5635-сон 17.01.2019

мумкинлигини бутун дунё халқлари тўла англаб етмоқда. Зеро, китобруҳиятимиз озуқаси, у билан дўстлашиш нафақат бизни маънан юксалтиради, балки жаҳонга танитади, эзгуликка етаклайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. X.. Мирзахмедов. Ёшларнинг китобхонликка жалб этишда инновацион ёндашувлар. // Kutibxona.uz, 2019 йил №4 (44). – Б.42-44.
2. Каримов И.А Адолатли жамият сари.- Т.. 1998.- 17 б
3. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. «Ўзбекистон». 1999., 181 б.
4. Leijten, J. Innovation policy and internationalrelations: directions for EU diplomacy. Eur J Futures Res (2019)
5. <https://doi.org/10.1186/s40309-019-0156-1> page 3
6. Tamlik, M. Innovation policy is a team sport' – insightsfrom non-governmental intermediaries inCanadian innovation ecosystem. Triple Helix (2018) 5: 8.
<https://doi.org/10.1186/s40604-018-0062-8> page 16
http://yok.academy.uz/storage/web/source/1/4wYDB4pM12SlPdWOoOAdM7_b-Is0EogM.pdf
7. <http://conferences.neasmo.org.ua/ru/art/1325>
8. Verleye, G. & De Marez, L. J. Diffusion of innovations: Successful adoption needs more effective softDSS driven targeting. Target Meas Anal Mark (2005) 13: 140.
<https://doi.org/10.1057/palgrave.jt.5740139>.page 50
9. <http://reja.tdpu.uz/shaxsiyreja/views/openlesson/download.php?id=9879>
10. ПФ-5635-сон 17.01.2019